

ОКтябрь ватинчлик

Улуғ Октябрь социалистик революцияси халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун кураш байроғи остида галаба қозонди. Бу революция босқинчилик урушларидан, бошқа халқларнинг асоратга солиниш ва эзилишдан манфаатдор бўлган сиёсатларни алмашиб ташлади. Халқлар ҳамкорлик ва тинчлик учун курашининг янги тарихий даврини бошлаб берди. В. И. Ленин айтганидек, «Ер юзидagi одамларнинг биринчи юз миллионини империалистик урушдан, империалистик дунёдан биринчи бoлшевиcтик революция кутқарди».

Мамлакатимизда Октябрь революцияси галаба қозонган куннинг эртасигаёқ, Советларнинг II съезди «Совет ҳокимияти дарҳол барча халқларга демократик сулҳ тақдир қилади» деб, эълон қилди ва В. И. Ленин ёзган Тинчлик тўғрисидаги тарихий декретни қабул қилди. Бу декретда чинакам демократик асосларга умумий тинчлик ўрнатишнинг ленинча йўли ва воситалари баён қилиб берилган эди. Унда миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципини, миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва дахлсизлигини, миллий суверенитетини эътибор қилиш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик каби интернационалистик принциплар ҳам ўз ифодасини топти. Бу принциплар

Совет давлати ўтказиб келаятган тинч-тотув яшаш сиёсатининг гранитдек мустаҳкам негизи бўлиб қолди.

Бу сиёсат Совет давлатининг қирқ етти йиллик тарихий таърибасида ҳаёт сиёсидан шараф билан ўтди ва буюк муваффақиятларга эришди. Совет Иттифоқи тинч-тотув яшашнинг ленинча сиёсатига изчиллик билан амал қилиб, барча халқларга империалистик уруш дахшатларидан қутулиш, тинчлик, демократия ва социализмга эришишнинг бирдан-бир порлоқ йўлини кўрсатиб берди. Бу йўл социализм ва тинчлик бир-биридан ажралмаслигини, социализм урушга қарши халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ўрнатишга хизмат қилишини амалда исботлади.

Тинчлик сиёсатининг ҳаётийлиги шунидаки, у капиталистик мамлакатларда синфий курашни, мустақилла ва қарам мамлакатларда халқларнинг миллий озодлик курашини авж олдириш учун кулай имкониятлар вужудга келтиради. Урушдан кейинги йилларда жаҳон ишчилар ҳаракати ва миллий озодлик курашининг таърибаси бунинг яққол намоиши қилиб кўрсатди. Масалан, урушдан кейинги 15 йил ичида капиталистик дунёда урушдан аввалги 20 йил мобайлидаги нисбатан 2,5 баравар кўп ишчи ва хизматчи иш ташлаган. Миллий озодлик кураши

айниқса катта муваффақиятларга эришди, 50 дан ортиқ мамлакат миллий мустақилликка эришди.

Урушларга барҳам бериб, ер юзиде абадий тинчлик ўрнатиш коммунистнинг тарихий миссияси. Бу ҳусусда КПСС Программасида бундай дейилган: «КПСС СССРда коммунистлик ҳижмат куриш учун ва жаҳон социализм системасини ривожлантириш учун тинч шароит таъминлашнинг ҳамда барча тинчликсевар халқлар билан бирликда, инсониятни қирғиллик келтиривчи жаҳон урушдан кутқаришнинг ўзининг таъқиби соҳасида қиёсий сиёсатининг асосий мақсоди деб билиди». Партиязиш ташқи сиёсатининг бош йўли ана шундай. Бу йўл бутун прогрессив инсониятнинг манфаатларига мос бўлиб, халқлар миқёсда кенг эътироф қилинмоқда.

Кейинги даврда жаҳондаги социалистик давлатларнинг ҳам, империалистик мамлакатларнинг ҳам ўз ичига олган ва ер юзи аҳолисининг яримдан кўпрогини ташкил этувчи «тинчлик зонаси» вужудга келдики, бу оламшумул-тарихий процессга ҳалақит беришга империализм ожиз бўлиб қолди. Эндиликда жаҳон тараққиётининг боришини империализм эмас, балки жаҳон социализм системаси, империализмга қарши курашаётган тинчликсевар кучлар белгилаб

бераётир. Социализм жаҳон тараққиётининг ҳал қилувчи фактори айланмоқда.

Партиязишнинг XX, XXII съездлари ҳамда коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Москва Конгресси (1957 ва 1960 йиллар) жаҳон миқёсда содир бўлган ана шу туб ўзгаришларни чуқур таҳлил қилиб, тинч-тотув яшаш халқлар муносабатларида бирдан-бир оқилона принципдир, янги тарихий шароитда фатах урушларнинг олдини олишга қодир бўлган катта ва уюшган кучлар мавжуддир, бинбарини социализм ер юзиде галаба қозонганига қадар, дунёда қолган тақдирда ҳам, жаҳон урушининг жамият ҳаётидан чиқариб ташлаш мумкин, деган қатъий ҳулоса чиқарди.

Ленин, уруш ҳаётининг манбаи — империализм мавжуд экан, империалистик монополияларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи агрессия кучлар бундан бундан ҳам ҳарбий авантюра, уруш бошлаб юборишга интилади. Бундай уруш халқларнинг жуда ваҳшона суратда қўллаб қўйилиб кетишига ва бутун-бутун мамлакатларнинг мисли қўрилмаган даражада байрон қилинишига олиб келган бўлур эди. Шу сабабли ҳозирги даврда урушнинг олдини олиш

ва мустаҳкам тинчликни таъминлаш инсониятнинг асосий истаги бўлиб қолди. Халқлар термоядор урушнинг олди олиниши, зўр бериб қўриланиш тўхтатилиши, халқлар низоли масалалар тинч-тотув яшаш принциплари асосида ҳал қилиниши, деб талаб қилмоқдалар. Халқларо вазиетни бирмунча юмшатишга олиб келган ядро синовларини қисман тақиқлаш тўғрисидаги Москва Шартномаси, ядро қуроли солинган объектларни ортибга чиқармаслик ҳақида Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасида келишилган битим бу соҳадаги жиддий қадамлар бўлди.

Бизнинг ҳукуматимиз ҳарбий блокларни тугатишни, ер шарининг турли районларида атомсиз зоналар вужудга келтиришни, ҳар қандай ядро синовларини тўхтатиш, ядро қурулиниги бундан бундан тарқалишига йўл қўймастик, ҳарбий бюджетлар ва қуроли кучларини қисқартириш, чет эл қўшинларининг бошқаларининг территориясида олиб чиқиб кетишни, қўқисдан бўлган ҳужумнинг олдини олмақ учун ўзаро контроль постлари белгилаб қўйиш, терроризм низолини музокаралар йўли билан бартараф қилиш тўғрисида шартнома тузишни тақдир қилмоқда.

Бироқ, тинчлик душманлари тинчмаётирлар, улар халқларо ва

зиятчи яна кескинлаштиришга уринмоқдалар. Ғарбий герман миллатчилари билан Америка милитаристик доираларининг сўнгги вақтлардаги авж олиб бораётган агрессия хатти-ҳаракатлари, худди ана шундан далолат беришмоқда. Табиийки, бу ҳолат халқларнинг тоқиб хушёрлик билан урушга қарши, мустаҳкам тинчлик учун янада антивороқ кураш олиб боришларини тақозо қилади. Бу курашнинг олдини сафида бораётган Совет Иттифоқи ўзининг ленинчи партияси раҳбарлиги остида Ватанимиз мудофая қобилиятини мустаҳкамлаш учун, мамлакатимиз чегаралари дахлсизлигини ва бутун социалистик ҳамдўстлик ҳавфсизлигини таъминлаш учун ҳамма чораларни қўриб келди ва қўраётир. У, КПСС XX, XXI ва XXII съездлари қарорлари асосида коммунистик қурулишнинг улуғвор вазибаларини амалга ошира бориб, Ватанимиз куч-қудратини тобора мустаҳкамламоқда.

Космосни ўрганиш ва ўлаштиришга қаратилган буюк программа муваффақият билан амалга оширилмоқда. Яқинда уч кишидан иборат экипажи бўлган Кўп Урили «Восход» йўлдош немасининг космосга қилган тарихий парвози бунинг ёрқин ифодаси бўлди. Бу буюк галаба социалистик гузум куч-қудратининг, со-

вет фани ва техникасининг бекиб ўсганлигининг янги қудратли намоиши бўлди. Ана шу буюк галаба муносабати билан Совет Иттифоқи космосдан, фанатини маъсаладарида фойдаланиш зарурлигини таъкидлади, жаҳондаги барча давлатлар ҳукуматларини ва халқларини янги уруш ишчибозларини жинтовлаб қўйишга ва халқларо вазиетни янгида суратда соғломлаштиришга чақирди.

Жамият тараққиётининг бутун жараёни Улуғ Октябрь ўлмас идеяларининг ва бу революция эълон қилган тинчлик принципларининг халқларо миқёсда тоқ катта куч билан таъинла қилиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бу принципларнинг Улуғ кучи миллий-омиллион кишиларнинг тинчлик, демократия ва социализм учун олиб бораётган фидоқорона курашида акс этмоқда, галаба қилмоқда.

Барча мамлакатларнинг меҳнатчилари Улуғ Октябрь идеялари таъинла қилган Совет Иттифоқининг социализм ва коммунизм куриш соҳасидаги тарихий тақрибасидан, бутун дунёда мустаҳкам тинчлик, халқларо ҳамкорлик учун олиб бораётган курашдан намуна ва илҳом олмақдалар.

З. ИСАМУХАМЕДОВ.


Улуғ Октябрь ШАРАФИГА

Қарши тикув фабрикаси дастлабки маҳсулот ишлаб чиқара бошлаганига 20 йил тўлди. Шу давр ичида маҳсулот тайёрлаш ўн баравар кўпайди. Корхонанинг замонавий машина-ускуналар билан жиҳозланганлиги ойлик топшириқларнинг ортириб бажарилишига ёрдам бермоқда. Ун ойлик план муддатидан илгари бажарилиб ва ўн ишчи равишда бир неча минг сумлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Х. АБДУЛЛИНА, Н. ХУДОЕРОВ.

Бош мастер А. Қодировнинг ташаббуси билан жанарт тикув машинаси реконструкция қилинди. Натижада битта мотор билан 4 та машина ҳаракатга келадиган бўлди. Илгари 4 килограмм ўрнинг ҳар сменада 9 килограмм маҳсулот тайёрланганда. Тошкентдаги «Шарқ тоғи» трикотаж фабрикасида қўли гул рационализаторлари тобора кўпайиб боришти. Корхона коллективи Октябрь байрами шарафига мусобақани авж олдириб, ўн ойлик плани муддатидан илгари адо этди ва планга қўшимча кўпгина маҳсулот ишлаб чиқарди.

Р. ҚУРБОНОВ.



Октябрь байрами шарафига меҳнат зафарларимиз кўпаймоқда. Навоий ГРЭСи энергетиклари яқинда 3-турбоагрегатини ҳам фойдаланишга топширдилар. Эндиликда станциянинг энергетика қуввати 200 минг киловаттга етди. Шу кеча-кундузда улар навабдаги агрегатларни ҳам тезроқ фойдаланишга топшириш тавадудини кураётирлар. А. Тураметов, Т. Бобоқонов, Е. Белова ўртоқлар Нукус шахридаги уйсолик заводининг пешнадам ишчиларидан. Улар ҳар сменада планга қўшимча маҳсулот тайёрлаб, байрам олди мусобақасида пешнадамлик қилаётирлар. Суратларда: Унда—Навоий ГРЭСининг умумий кўриниши. Чап. да—А. Тураметов, Т. Бобоқонов, Е. Белова ўртоқлар.

А. Тураев ва А. Усмонов фотолари. (УзТАГ фотохроникаси).



МОСКВАДАН ХАТ УНУТИЛГАН ЯНГИЛИК

Металл қирқадиган асбобнинг қаттиқлиги металлликдан устуни бўлиши керак. Шунинг учун ҳам бу деталларнинг ишчиликка бўлган талаб қўлдан-қўлга олиб боришмоқда. Деталлар талаб қилинган даражада ишчи ва аниқ ишлаш учун мустаҳкам ва катта ҳажмдаги станоклар тайёрлаш керак. Бундай қимматбаҳо станокларни яратиш мақсадаги мувофиқ эмас. Бундан ташқари машинасозликка жуда кўп учрайдиган нозик операциялар, масалан, жуда кичик диаметрли тешиқлар очиш каби операциялар умуман олдин қирқиб ва париялаш усулида бажариб бўлмаш ишлар ҳисобланади.

Илгор совет техникаси бу муҳим проблемани ҳам ҳал этди. Совет олимлари томонидан металлнинг ҳар қандай қаттиқлигини, ҳар қандай қаттиқлигини юқори аниқликда ишлаб оладиган усуллар топилиди. Бундай катта ютуққа электр токи ҳосилдан фойдаланиш асосида эришилди. Бу—деталга ва асбобга электр токи юбориш усулидир. Бу усул катта аҳамиятга эга.

Электр учун ёрдамчи олдин асбоб ва станок билан ҳалдан ташқари киши тешиқларини ҳам очиш мумкин. Масалан, одам соч толасидан беш марта кичик бўлган диаметрдаги тешиқларни очиш ҳеч гап эмас. Янги усулда тешиқларни олдин усулда очганидан қараганда деталнинг аниқлиги уч-тўрт марта ошади. Ишлаш вақти қисқариб, унумдорлик ошади. Ававал фильр корпуси деб аталувчи ва сановатда кўп қўлланувчи деталнинг 1045 лона тешиқ 10—соат мобайлида ҳосил қилинган бўлса, электр учун ёрдамчи ишлашда эса бу ишга атиги икки соат сарфланади.

Москва, Львов ва бошқа шаҳарлардаги корхоналарда янги усулда металлнинг қайта ишлаш тўғрисида катта тежам олиноқда. Биргина Львов ҳамиртурош ишлаб чиқариш заводида бу усулни қўллаш билан 64 000 сум иқтисод қилинган.

Москвадаги Киров номи билан қаттиқ қотишмалар заводида ҳам қаттиқ қотишмалар ишчиликларини электр учун ёрдамчи ишлаш усулида ўтказишга қарар қилинган. Заводада бутун бир асбобсозлик цехи янги усулда ишламоқда. Цех электр учун ёрдамчи ишлашдаги янги станок ва генераторлар

билан жиҳозланган. Бунинг натижасида иш унумдорлиги санокиз марта ортиб, йилга 27 000 сум тежам олиноқмоқда.

Штампларни тайёрлаш учун сарфланган иш вақти 28 соатга қисқариб, қиммати 16 сўмга арзонлашган. Асбоб-ускуна ва станокларга сарфланган ҳаракат бир йилга қолмай қолган.

Анод — механик усулда прутқаларни қирқиб мақсадага Борокек механика заводида махсус маркали станок тайёрланди. Бу станок мамлакатимиз машинасозлик заводида меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беради.

Москвадаги кичик литражли автомобиллар ишлаб чиқарувчи заводида биринчи марта штампларни тайёрлаш процессида

электр импульс усули қўлланилди. Лихачёв номидаги автомобил заводида тайёрланаётган штампларнинг бешдан бир қисмининг электрофизика усулида ишлашга ўтиди.

Аммо республикамиз машинасозлик корхоналарида бу юксак усул назардан четда қолмаётган. Завод лабораторияларини фанни ривожлантиришдаги таъин пунктларига айлантиришга алоҳида эътибор берилмапти.

Тошкент экскаватор заводи тайёрлов цехининг ўзидангина етти та станок фақат прутқаларни қирқиб билан банд.

Шу заводнинг тайёрлов цехига биргина анод механик усулида ишлайдиган станокни ўрнатишнинг ўзи етарли. Мавжуд станокларнинг кескир-

расини ва мосламасини ўзгартириш керак.

«Ташлемаш», «Таштек-тизмаш», «Чирчикмаш» ва экскаватор заводида доимий штамп ва пресс-форма тайёрловчи айрим конструкторлик бюралари мавжуд. Алоҳида цехлар бу бюралар ишчи бажаради. Бу цехларнинг ҳамма-малда электрофизика усули қўлланилса, йилга кўп миллион сўмлаб иқтисод қилиш мумкин.

Урта Осиё Халқ ҳўжалиги кеңашлиги электр токи ёрдамчи металлнинг қайта ишлашга мўлжалланган станокларини сановат корхоналарининг зарур участкаларига етказиб беришга катта эътибор бериши керак.

Н. МҲМИНОВ, инженер.

ОЛИМГА ТАБРИК



Ўзбекистон пойтахти, киши жамоатчилиги 31 октябрда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Фанлар академиясининг академиги Сергей Васильевич Стародубцев туғилган кунининг 50 йиллигини ва илмий, педагогика ҳамда мамоат фаолиятининг ўттиз йиллигини таъинлаш нишонлади.

Талантли олим, аниқ таъинлотчи, ишларнинг толимас мураббиси С. В. Стародубцев Ашхобод шахрида туғилди.

Унинг бутун ҳаёти ва илмий фаолияти ўрта Осиё билан ҳамбарас боғланган. У, Тошкент ва Ленинград университетларида олиб маълумот олгандан кейин, 1935 йилдан бошлаб катта илмий таъинлот ва педагогика иши билан шуғулланиб келмоқда. Бу иш унн ҳажмининг иззат-қўрметга сазовор қилди. С. В. Стародубцев кўп соҳада — физик, электротехника, ядро физикаси, атом энергияси, қаттиқ жисм физикаси, нурланнинг моддага таъсири, аналитик физика соҳасида илмий иш олиб бормоқда.

С. В. Стародубцев бутун илмий ва маҳоратини халққа, Ватанга бағишлади. Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида олди. Ленинград ҳарбий ҳаво академиясида ишлабди ва мудофая учун катта аҳамиятга эга бўлган илмий проблемаларни ишлаб чиқарди.

Техника фанлари доктори, профессор С. В. Стародубцев 1956 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги қилиб сайланди. С. В. Стародубцев ўша пайтдан бун Фанлар академиясининг вице-президенти сифатида кенг қўламада олиб борилаётган илмий ишларга етакчилик қилиб келмоқда, илмий кадрлар тайёрлаш учун кўп куч сарф қилмоқда. С. В. Стародубцев Ўзбекистонда Ядро физикаси институтининг ташкилотчиларидан бири бўлди. Унинг моддадаги радиация эффектларини ўрганиш соҳасида иш олиб бораётган маънази зорида катта мамлакатда етакчи коллектив бўлиб қолди. Машҳур олимнинг раҳбарлигида бир неча киши фан доктори ва олтишига яқин киши фан кандидати

диссертацияларини ёзилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти У. О. Орифов юбиларининг илмий педагогика ва мамоат фаолиятини тўғрисида сўзлаб берди.

Москва, Ленинград, Тошкент, Ашхобод, Фрунзе, Душанба ва мамлакатимиз бошқа шаҳарларининг олимлари С. В. Стародубцевни санамий кутқадилар. Янгилида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг юбиларлар табрикомаси ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» фахрий унвонини бериш тўғрисидаги Фармони ўқиб берилди. (УзТАГ).

